

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Қашқадарёдонмахсулотлари» АЖ
2016 йил 15 августдаги акциядорлар
умумий йиғилиши томонидан**



**«Қашқадарёдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти
Тафтиш комиссияси тўғрисида**

Н И З О М
(янги тахрирда)

Карши- 2016 й.

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа қонун ҳужжатлари ва "Қашқадарёдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятси (кейинги ўринларда - жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом жамият Тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда - Тафтиш комиссияси)нинг мақоми, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

3. Тафтиш комиссияси жамиятнинг назорат органи ҳисобланади ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

4. Жамиятнинг ижроия органи ва Кузатув кенгаши Тафтиш комиссиясининг фаолиятига аралашishга ҳақли эмас.

5. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

6. Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорларни жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш, аниқланган камчилик ва нуқсонларни тугатиш бўйича тавсиялар киритиш ва амалга оширилган текширувлар бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

7. Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси Қонун, жамият устави ва ушбу Низом билан белгиланади.

8. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси:

Жамиятнинг бир йиллик фаолияти яқунлари бўйича жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширади;

Тафтиш комиссиясининг ўз ташаббусига, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорига кўра, ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан ҳабардор қилиш йўли билан бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширади;

-бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра ҳисобот ва хулоса тузади;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича амалга оширилган текшириш натижаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва жамият Бошқаруви эътиборига етказиши;

Жамият бошқаруви томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларни, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилинишини ўрганиб чиқади, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида ҳар чоракда хулоса тузади;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани

хар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади;

ҳисобот йили давомида жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади.

III. ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича текшириш тафтиш комиссиясининг ташаббусига, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорига кўра, ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

10. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тўғрисидаги талаб текшириш ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан тафтиш комиссияси раиси номига юборилади.

11. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича ташаббус кўрсатувчилар исталган вақтда тафтиш комиссияси томонидан текшириш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар Тафтиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, ўз талабларини қайтариб олишга ҳақли.

12. Тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини текшириш давомида текшириш предметида доир барча мавжуд ҳужжат ва материалларни ўрганиб чиқиши шарт.

13. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳисобот ва хулоса тузади, унда:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14. Тафтиш комиссияси кузатув кенгаши томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кечикмасдан жамиятнинг кузатув кенгашига жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан хулоса тақдим этади.

15. Тафтиш комиссияси тафтиш комиссиясининг, акциядорларнинг умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ташаббусига кўра, ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра ўтказилган жамиятнинг бошқа давр ичидаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосани жамиятнинг кузатув кенгашига хулоса тасдиқлангандан кейин бир иш кунидан кечикмасдан тақдим этади.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

16. Жамият тафтиш комиссиясининг сон таркиби жамият Устави билан белгиланади ва 3 (уч) кишидан иборат бўлади.

17. Тафтиш комиссияси аъзолари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаслиги ҳолларида уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

18. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили туганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечикмасдан ўзгартишлар киритишга ҳақли.

19. Ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган муддатда акциядорлар томонидан тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар киритилмаганлиги ҳолларида жамият кузатув кенгаши тафтиш комиссиясига сайлаш учун мустақил равишда номзодлар рўйхатини белгилашга ҳақли.

20. Айти бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

21. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

22. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият санок комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

23. Тафтиш комиссияси таркибига қоидага биноан жамият акциядорлари (акциядорлар - жисмоний шахслар ва акциядорлар - юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари) сайланади.

24. Тафтиш комиссияси таркибига жамият акциядори бўлмаган, бироқ молия ва иқтисодиёт соҳасида касбий иш тажрибасига эга шахслар сайланиши мумкин.

25. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари:

"Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи", "Аудит", "Молия" ихтисослари ёки иқтисодий мутахассисликлар бўйича олий, ёки ўрта иқтисодий маълумот;

бухгалтерлик ҳисоби, аудит, молия ёки иқтисодий соҳада камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш.

26. Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан ўз таркибидан тафтиш комиссияси раисини сайлайди.

27. Тафтиш комиссияси раиси:

Тафтиш комиссиясининг ишини ташкил қилади;

Тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва ўтказди;

Тафтиш комиссияси мажлислари баённомасини, жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра ҳисобот ва хулосаларни, жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар, ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаларни ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

Тафтиш комиссияси номидан Кузатув кенгаши йиғилишларида ва жамият акциядорларининг умумий йиғилишларида иштирок этади;

амалдаги қонун ҳужжатларида, жамият Уставида, ушбу Низомда ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

28. Тафтиш комиссияси исталган вақтда тафтиш комиссияси аъзоларининг

умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан ўз Раисини қайта сайлашга ҳақли.

29. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини тафтиш комиссиясининг аъзоларидан бири амалга оширади.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ

30. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси мажлиси бир йилда камида икки марта, жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишдан олдин ва текширишдан кейин, шунингдек бошқа зарур ҳолларда исталган вақтда ўтказилади.

31. Тафтиш комиссиясининг мажлислари амалдаги конун ҳужжатларига, жамият Уставига ва ушбу низомга мувофиқ тафтиш комиссияси раиси томонидан мустақил равишда, Тафтиш комиссияси аъзоларининг, ёки жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини навбатдан ташқари текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг талабларига кўра чақирилади.

32. Тафтиш комиссиясининг мажлислари комиссия аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади.

33. Жамият тафтиш комиссиясининг мажлисини ўтказиш учун тафтиш комиссиясининг камида икки аъзоси ҳозир бўлиши зарур.

34. Тафтиш комиссиясининг таркибида бир киши қолган тақдирда, жамият тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши шарт.

35. Масалалар ҳал этилаётганда, тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиясининг қарорлари (шу жумладан, жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра хулосани тасдиқлаш масаласи бўйича қарор) Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

36. Тафтиш комиссиясининг қарори тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этган тафтиш комиссияси аъзоларининг рўйхати;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари (мажлисда иштирок этган ҳар бир тафтиш комиссияси аъзосининг овоз бериш натижасини кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

37. Баённомага Тафтиш комиссияси томонидан тайёрланган хулосалар, ҳисоботлар ва бошқа материаллар илова қилинади.

38. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тафтиш комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда ўзининг алоҳида фикрини мажлис баённомасига киритишни ва жамиятни бошқариш органлари ва (ёки) акциядорлари эътиборига етказишни талаб қилишга ҳақли.

39. Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

40. Мажлис баённомалари, тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллари жамият кузатув кенгашига тақдим этилади.

41. Мажлис баённомалари, тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва тафтиш комиссиясининг мажлиё баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллар жамиятда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

42. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият Бошқаруви аъзоларидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилган битимни ўрганиш натижалари бўйича баённомаларни жамият Бошқарувидан талаб қилиш;

Жамият томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилган йирик битим бўйича ҳужжатларни жамият бошқарувидан талаб қилиш;

Кузатув кенгаши ва жамият Бошқаруви аъзоларидан, жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари ва ходимларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришларни талаб қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини чақиришни талаб қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

43. Тафтиш комиссиясининг аъзолари мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз мажбуриятларини ҳалол бажариш;

жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни тегишли тарзда амалга ошириш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни ўз вақтида тайёрлаш;

жамият бошқаруви аъзоларидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилишни ёзма шаклда сўраш;

жамият Бошқаруви аъзоларидан жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимлари ва жамиятнинг йирик битимларини ўрганиш баённомаларини тақдим қилишни ёзма шаклда сўраш;

амалдаги қонунчиликка риоя қилиш;

жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

44. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

45. Тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

VIII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТЎЛАНДИГАН ҲАҚ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

46. Тафтиш комиссиясининг аъзоларига акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

47. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари жамият кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

49. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартиришни (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

50. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

*Акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар бошқармаси:*